

Ўзбекистон Республикаси таълим
муассасаларига ўқишга қабул қилиш
бўйича давлат комиссиясининг
2017 йил ___ августдаги 7-сон баёнига
4-илова

**Олий таълим муассасаларининг педагогика йўналишлари бўйича
махсус сиртқи бўлимларга 2017/2018 ўқув йили учун ўқишга қабул
қилиш тартиби ва мезонлари**

Мазкур Тартиб ва мезонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3183-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларга ўқишга қабул қилиш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (бундан буён матнда Давлат комиссияси деб юритилади) томонидан белгиланган қабул квоталари доирасида тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

2. Олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига ўқишга қабул қилиш барча учун тенг ҳуқуқлилиқ, муайян мезонлар бўйича танлов асосида амалга оширилиб, республиканинг олис (тоғли, чўлли) аҳоли пунктларида яшайдиган ҳамда олий педагогик маълумотли кадрларга эҳтиёж энг юқори бўлган таълим муассасаларида фаоллият олиб бораётган махсус сиртқи бўлимнинг бакалаврият таълим йўналишларида ўқишга талабгор абитуриентларнинг (бундан буён матнда абитуриентлар деб юритилади) биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

3. Махсус сиртқи бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари ва ўқитиш тилларига кўра алоҳида равишда ўқишга қабул қилинади.

4. Махсус сиртқи бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига ҳамда мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) эҳтиёжлари асосида тасарруфида мазкур таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Тавсияномаларни бериш тартиби

5. Педагог кадрларга тавсияномалар бериш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) буйруқларига мувофиқ тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида педагог кадрларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва ўрганиш бўйича етти кишидан иборат таркибда махсус комиссия (бундан буён матнда махсус комиссия деб юритилади) тузилади:

махсус комиссия раиси – туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини;

махсус комиссия аъзолари – туман (шаҳар) ҳокимлиги вакили, таълим муассасалари раҳбарлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳудудий бўлинмаси вакили, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳудудий бўлинмаси вакили;

махсус комиссия котиби – туман (шаҳар) халқ таълими бўлими кадрлар бўйича инспектори.

6. Махсус комиссиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

педагог кадрлар учун махсус сиртқи бўлимнинг бакалаврият йўналишларига қабул тўғрисида таълим муассасаларида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда зарур маслаҳатлар бериш;

педагог кадрларга тавсиянома беришга оид белгиланган талаблар: таълим муассасасининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёж ва унинг оқимлиги асосида педагог кадрларнинг рўйхатини шакллантириш;

педагог кадрларнинг рўйхатини ҳудудий бошқармаларга топшириш.

7. Педагог кадрларнинг қуйидаги ҳужжатлари таълим муассасалари раҳбарлари орқали махсус комиссияга топширилади:

паспорт нусхаси;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (иловасининг нусхаси);

таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори (иш стажи кўрсатилган ҳолда);

меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма.

8. Махсус комиссияга топширилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

9. Махсус комиссия тавсиянома беришга тавсия этилаётган педагог кадрлар рўйхатини ҳудудий бошқармаларга юборади.

10. Ҳудудий бошқармалар махсус комиссия томонидан топширилган рўйхатни умумлаштиради ва олий педагогик маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари кесимида мазкур

Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги абитуриентларнинг рўйхатини шакллантиради.

11. Худудий бошқармалар шакллантирилган рўйхатни педагог кадрлар фаолият кўрсатаётган таълим муассасасининг бўйсунувига кўра тегишли вазирлик ва идораларга юборади.

12. Вазирлик ва идоралар педагог кадрлар рўйхатининг ўқишга қабул қилиш бўйича талабларга мослигини ўрганади ҳамда тавсияномалар бериш қайд этилган рўйхатни (рўйхатда тавсиянома бериш рад этилганлар алоҳида қайд этилиши лозим) худудий бошқармаларга, олий таълим муассасаларига ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига йўллайди.

13. Худудий бошқармалар томонидан Тавсияномалар бериш қайд этилган рўйхат махсус комиссияларга, махсус комиссиялар таълим муассасаларига етказиб беради.

Вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқлаган тавсиянома бериш қайд этилган рўйхатга қатъий риоя этган ҳолда таълим муассасалари абитуриент(лар)га тавсиянома беради.

3-боб. Олий таълим муассасалари махсус сиртки бўлимларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш

14. Олий таълим муассасаларида 2017/2018 ўқув йили бакалаврият босқичи кундузги таълим бўйича тузилган қабул комиссияси махсус сиртки бўлимларга қабул ишларини амалга оширади.

15. Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари Комиссия томонидан жорий йилнинг 4 сентябрдан 16 сентябргача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

16. Абитуриентлар томонидан Комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ҳолдаги ариза;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва иловаси;

086-У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;

паспорт нусхаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма;

таълим муассасаси раҳбарининг олий маълумотли мутахассисга эҳтиёжи мавжудлиги тўғрисидаги хати;

тегишли вазирлик ва идоранинг тавсияномаси.

Хужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугаганидан сўнг хужжатларни қабул қилиш ва хужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

17. Абитуриент томонидан топширилган хужжатларнинг қалбаки эканлиги аниқланса, у ҳолда абитуриент ўқишга қабул қилинмайди (талабалар сафидан четлаштирилади) ҳамда хужжатлари ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

18. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси махсус сиртки бўлимларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда қуйидаги мезонларга асосланади:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги хужжатнинг иловасига кўра ҳисобланган ўртача балли (баллар 3 (уч), 4 (тўрт), 5 (беш) баҳо кўринишида белгиланади);

абитуриент ишлаётган таълим муассасасининг туман (шаҳар) марказидан олислиги, жойлашган ҳудудига қараб 2 (икки) балл кўшилади, шаҳар (туман) марказидан узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган таълим муассасаларига 0 (ноль) балл берилади;

абитуриентнинг иш стажини 3-5 йилгача бўлганда 1 (бир) балл, 6-10 йилгача бўлганда 2 (икки) балл, 11 йилдан ортиқ бўлганда 3 (уч) балл берилади.

19. Абитуриентнинг диплом иловаси бўйича ўртача бали, таълим муассасасининг олислиги ва иш стажига қўйиладиган баллар йиғиндисини умумий балл ҳисобланади.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари махсус сиртки бўлимлари йўналишлари кесимидаги қабул натижалари жорий йилнинг 20 сентябрга қадар Давлат комиссиясига киритилади.

4-боб. Абитуриентларнинг хужжатларини расмийлаштириш

21. Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни талабалikka тавсия этиш тўғрисида қарор жорий йилнинг 25 сентябрга қадар қабул қилинади.

Олий таълим муассасалари махсус сиртки бўлимларига қабул барча учун тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, умумий баллари бўйича энг юқори балл тўплаган абитуриентлар биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқини таъминланади.

Қабул квоталари доирасидан ташқари бўлган ва умумий баллари тенг бўлган абитуриентларни ўқишга қабул қилишда биринчи навбатда абитуриент ишлаётган таълим муассасасининг олислиги ва иш стажини ҳисобга

олиниб, қабул квотасини 10 фоиздан ошмаслигини таъминлаган ҳолда қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

22. Давлат комиссияси қарори асосида олий таълим муассасаси, абитуриент ва таълим муассасаси ўртасида белгиланган тартибда 2-иловада келтирилган шаклдаги уч томонлама шартномалар расмийлаштирилади.

23. Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган уч томонлама шартнома бланкалари абитуриентларга Қабул комиссияси томонидан раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада берилади.

Шартномалар имзолангандан кейин ўқиш жорий йилнинг 1 октябридан бошланади.

24. Абитуриентлар томонидан шартнома асосида тўлов жорий йилнинг 15 октябрга қадар, кейинги йиллар шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Шартнома шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш улар томонидан ўқиш учун шартномада белгиланган маблағ миқдори ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

26. Ўқишга қабул қилинган талабаларга олий таълим муассасаси томонидан ўқув режа ва дастурлар, ички тартиб-қоидалар ва ўқув жараёнига боғлиқ бошқа масалалар бўйича зарур тошшириқ ва кўрсатмалар берилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.